Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

№ 40 (1506) 2024-YIL 4-OKTABR, JUMA

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIGA

22

KUN QOLDI

SAYLOV 2024

27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!



KŲNGILLARDAN JOY OLGAN DASTUR

Robaxon Maxmudova buxoroliк taъlim soxasi vakillari, pedagoglar bilan uchrashdi

Ҳар бир соҳанинг ривожланиши, мамлакат тараққиёти таълимга қаратилган эътиборга бевосита боғлиқ. Педагоглар эса жамиятнинг илмий-интеллектуал, маданий-маърифий соҳадаги асосий таянч кучи, фаолият асосини келажак авлодни тарбиялаш, билим бериш ва инсоний қадриятларни сингдириш ташкил этадиган муҳим зиёкорлар қатламидир. Зеро, уларнинг фидойилиги, шарафли ҳамда машаққатли меҳнати ҳар бир инсон камолоти, мамлакат тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.

2











КЎНГИЛЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН ДАСТУР

Эътиборли томони шундаки, таълимни ривожлантириш “Адолат” СДП фаолиятининг устувор йўналишларидан. Таълим ва тиббиёт соҳаси вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси, касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, манфаатлари учун курашиш партиянинг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Партия етакчиси Робахон Махмудова ҳудудларда бўлиб, таълим соҳаси вакиллари билан мулоқот қилиш, уларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш мақсадида мунтазам учрашувлар ўтказяпти.

Уч минг йилдан зиёд тарихга эга, жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига бемисл ҳисса қўшган Бухоройи шариф шундай жонли мулоқотнинг галдаги манзили бўлди.

Даставвал Сиёсий Кенгаш раиси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳудудида ташкил этилган “Адолат” СДП тарғибот-ташвиқот пункти фаолияти билан танишди.

Ушбу маскан партиянинг вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган бўлиб, унда бухоролик сайловчиларга партиянинг турли соҳалар ривожи йўлида режалаштирган асосий ғоя ва ташаббусларини тушунтириш, сайловчилар билан доимий алоқада бўлиш, фикрларини тинглаш учун мақсад қилинган.

Танишув мобайнида партия етакчиси пунктда “Адолат” СДПнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари ҳамда келгуси мақсадларини ўзида акс эттирган медиа маҳсулотлари намойишини йўлга қўйиш, тарғибот-ташвиқот воситалари, тарқатма ва флаерлардан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигига тўхталди.

Шунингдек, вилоятдаги партия тузилмаларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолиятини янада кучайтириш, вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларни доимий равишда ҳудудий ОАВлар билан ҳамкорликда ёритиш зарурлиги қайд этилди. ***“Партиянинг жорий сайловда муваффақиятли иштирок этишга бўлган юксак ишончи ҳамда аввалги сиёсий жараёнларда орттирган бой тажрибаси ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказилиши лозим. Бу сайловчилар билан алоқани мустаҳкамлайди ва уларнинг партияга бўлган қизиқишини оширади”,*** дея таъкидлади Робахон Махмудова.

Куннинг иккинчи ярмида партия етакчиси мазкур олийгоҳда бухоролик таълим соҳаси вакиллари, педагоглар билан учрашди. Таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган таклифлар, қизғин муҳокама ва мунозараларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Таваккал Чориев, партиянинг Бухоро вилоят кенгаши масъуллари, депутатликка номзодлар, университет профессор-ўқитувчилари, партия фаоллари, талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Учрашув аввалида партиянинг Бухоро вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов сўнгги йилларда жамиятимизда ўқитувчилар мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий нуфузини ошириш бўйича амалга оширилган салмоқли ишлар юзасидан сўз юритди. “Адолат” СДП ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқлари ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш орқали ўқув самарадорлигини ошириш, таълимни мамлакат тараққиётида драйвер соҳага айлантириш борасида муҳим натижаларга эришилгани қайд этилди.

Жумладан, партия фракцияси ташаббуси билан “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиб, 2024 йил 1 февралда расман кучга кирди. Натижада ўқитувчи мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳуқуқий асосда мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, қонунга педагогнинг ўз касбий фаолиятини амалга оширишига аралашиш, касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш, куз-қиш даврида ва ишланмайдиган байрам кунларида таълим ташкилотида навбатчиликка жалб этиш, педагогнинг зиммасига товарлар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш, шу жумладан, лавозим маошидан унинг розилигисиз товарлар ва хизматлар учун маблағ ушлаб қолиш каби тақиқланадиган ҳолатлар киритилди.

Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг таълимга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратишга хизмат қилгани самараси, албатта.

– *Педагоглар учун партия томонидан кўрсатилаётган эътибор ва таълим соҳасидаги янгиликлар, ҳақиқатан ҳам, бизни руҳлантирмоқда,* – **деди Когон шаҳридаги 11-мактаб директори Шоҳижаҳон Исамутдинов.** – *Партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида таълим тизимига янгича ёндашувлар ўрин олгани менда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, замонавий билим ва кўникмаларни ёш авлодга етказишга йўналтирилган ҳаракатлар, жумладан, мактабларда "робототехника" ва "технология" фанларини ўқитишни такомиллаштириш бўйича таклифлар бугунги кунда жуда долзарб ва аҳамиятлидир. Замонавий жамият ҳар қачонгидан кўра кўпроқ рақамли технологияларга ва инновацион ечимларга асосланиб бормоқда. Бундай шароитда "робототехника" ва "технология" фанлари ёшларимизнинг дунёқараши ва билим доирасини кенгайтириш, уларнинг замонавий касбларга тайёргарлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. "Робототехника" фанини кенг миқёсда ўқитиш, аввало, ёшларнинг техника ва технологияларга бўлган қизиқишини оширади. Шу орқали улар илмий изланишларга, технологиялар ривожига ҳисса қўшишга тайёр бўлишади. Бунда ёшлар нафақат тайёрлаш дастурлари билан танишади, балки ўз қўллари билан роботлар яратишга ҳам ҳаракат қилади, бу эса уларнинг ижодий ва мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. "Технология" фанини ўқитишни такомиллаштириш эса, ёш авлодни рақамли технологиялар, сунъий интеллект, дастурлаш ва бошқа инновацион соҳалардаги билимлар билан таъминлайди. Бу нафақат таълим сифатини оширишга, балки келажакда уларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига замин яратади.*

Учрашув давомида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова сўзга чиқди. Партия етакчиси даставвал учрашувда иштирок этаётган ўқитувчи ва таълим соҳаси вакилларини умумхалқ байрамига айланган 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни билан табриклаб, уларнинг ҳар бирини илм-маърифат боғинининг жонкуяр боғбони сифатида эътироф этди.

“Бугунги замонавий дунёда давлат ва жамият тараққиётининг асоси юқори сифатли таълим тизими ва илм-маърифат эканлиги сир эмас. Шу сабабли Ўзбекистон тараққиётини илғор педагоглар ва сифатли таълимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу икки соҳани тўғри йўлга қўярканмиз юртимиздан Учинчи Ренессанснинг етук намояндалари етишиб чиқади. Маърифатли ва қалби пок янги авлод билан биз комил жамиятни, бой ва фаровон Ўзбекистонни барпо қиламиз”, деди Сиёсий Кенгаш раиси.

Таълим соҳаси вакилларининг меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини кўзлаш масалалари партия дастурида устувор вазифалар сифатида қайд этилгани тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– *Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда таълим тизими доимо ривожланиб бормоқда ва сифатни ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиляпти,* – **деди Қоровулбозор туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Ситора Каримова.** – *Партиянинг Сайловолди дастурида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини янада такомиллаштиришга, ўқувчиларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, замонавий ва юқори сифатли адабиётларни харид қилиш ва уларни таржима қилиш муҳим омиллардан бири сифатида кўрсатилган. Таълим жараёнида сифатли ўқув материаллари ва замонавий манбалар билан таъминланиш ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириш имкониятини сезиларли даражада оширади. Бу эса, ўз навбатида, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ёрдам беради. Жамоатчиликнинг таълим тизимидаги ислоҳотларга қизиқиши юқори даражада, чунки бу мамлакатнинг келажак авлодига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир.*

Партия етакчиси тиббиёт соҳасида вилоятда етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлган мазкур олийгоҳдаги ўқитувчи-профессорлар, бўлажак шифокорларга “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури мазмун-моҳияти, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш бўйича акс этган ғоя ва таклифлари юзасидан малумот берди.

Таъкидланганидек, дастурда “Ақлли тиббиёт” тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, “Электрон поликлиника” ва “Ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйиш, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини “тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотига ўтказиш, хусусий тиббиёт, таълим ва овқатланиш корхоналарида санитария-эпидемиология назорати амалга оширилишини кучайтириш орқали аҳолини заҳарланиш ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш каби муҳим масалалар ўрин эгаллаган.

– *Учрашув давомида партиянинг Сайловолди дастури билан танишиб чиқдик ва биз шифокорларни унинг бир жиҳати ўзига тортди,* **– дейди тиббиёт фанлари доктори Шаҳноза Пўлатова.** – *Дастурдаги тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, нодавлат тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар учун тўловлар миқдори устидан давлат назоратини ўрнатиш таклифлари бизга жуда маъқул. Шунингдек, партиянинг соғлиқни сақлаш масаласига ижтимоий вазифа сифатида қараб, ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқишини кафолатлаш йўлида хизмат қилиши эътиборга молик, деб айта оламан. “Адолат” партиясининг Сайловолди дастури нафақат мени, балки юртимиз равнақи учун жон куйдираётган барча фуқароларнинг кўнглидан жой олди, албатта. Айнан шу партия сайловларда энг кўп овозни қўлга киритишига тилакдошман.*

Робахон Махмудова нутқи сўнггида бу йилги янгича, аралаш тизимда ўтадиган сайловларда сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобат, ғоявий кураш янада юқори даражага кўтарилишини таъкидлаб, сайловчиларни фаол бўлишга чақирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Феруз Хусенов, Уткир Наджмиддинов, Зилола Носирова, Шохида Усмоновалар янги Сайловолди дастурда илгари сурилаётган муҳим таклиф ва ғоялар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– *Мени ёш мутахассис сифатида, айниқса, партиянинг Сайловолди дастурида ёшлар, хусусан, талаба-ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклифлари қизиқтирди,* **– деди талаба Ҳумоюн Рустамов.** – *Партия ўз дастурида талабаларнинг турар жой билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири – талабаларнинг турар жойларга бўлган эҳтиёжидир. Партиянинг ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида талабалар сонига мос равишда “Талабалар турар жойлари” қуриш ташаббуси биз ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки талабаларнинг қулай турар жойларга эга бўлиши уларнинг таълим жараёнига тўлиқ диққат қаратишларини таъминлайди, бу эса уларнинг билим олиш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, партия ёшларнинг жаҳон илм-фанига эркин кириб бориши учун қўшимча имкониятлар яратиш ташаббусини илгари сурди. Айниқса, бакалавриатга кириш учун инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш таклифи бугунги ёшлар учун жуда долзарбдир. Глобаллашган дунёда инглиз тилини яхши билиш нафақат хорижий таълимга йўл очади, балки ёшларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлайди.*

Учрашув якунида 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан бир гуруҳ фидойи педагоглар тақдирландилар.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

САЛОҲИЯТЛИ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАМИЗ



Қумқўрғон Агротехнологиялар техникумида партиямиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 41-Сурхондарё вилоят сайлов округидан номзоди кўрсатилган Умида Боқиеванинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Номзод иштирокчиларни ўзининг Сайловолди дастури билан батафсил таништирди. Номзоднинг дастурида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ФҲДЁ органларига никоҳланувчиларнинг яқин қариндошлик алоқаларини текшириш ҳуқуқини бериш масаласига устувор аҳамият қаратилган. Шунингдек, илм-фан билан шуғулланиш истагида бўлган олима хотин-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳага оид қонунчиликка уларга қўшимча имтиёзларни кўзда тутувчи нормалар киритиш каби устувор вазифалар ўрин олганлигини ҳам иштирокчиларга аниқ мисоллар билан тушунтириб ўтди.

Депутатликка номзод Умида Боқиева тумандаги «Улуғбек» МФЙдаги хонадонларда бўлиб, партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бандлик ва бошқа масалаларни қонунчилик доирасида ҳал этиш устувор вазифа этиб белгиланган хусусида тушунтиришлар бериб ўтди.

* * *

Жарқўрғон туманидаги ҳарбий қисмда 40-Сурхондарё вилоят сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод Самандар Худойбердиев сайловчилар билан учрашди.

Тадбирда номзод ўз Сайловолди дастуридан ўрин олган устувор масалалар тўғрисида иштирокчиларга тушунчалар берди.

* * *

63-Қашқадарё вилоят сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Мансур Мирзаевнинг Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда номзод ўз дастурида илгари сурилган устувор вазифалар ҳақида сўзлаб берди.

– Сайловолди дастуримизда олий таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш мақсадида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш масаласи илгари сурилган. Биз ёшлар сиёсатини амалга оширишда давом этиб, келажагимиз ворисларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан шакллантириш, ёшлар муаммоларини ечиш учун барча чора-тадбирларни кўрамиз, – деди у.

Депутатликка номзод ва партия фаоллари тарғибот пунктида ҳам бўлиб, партия Сайловолди дастури ва ўз дастурларини кенг тарғиб қилди.

Шунингдек, 4-Университет сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзоди кўрсатилган Муяссар Халилованинг ҳамда 11-Талабалар сайлов округидан халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига номзоди қўйилган Акмал Ҳайитовнинг ҳам сайловчилар билан учрашувлари самарали ўтди.

“Адолат” СДП Сурхондарё, Қашқадарё вилоят кенгашлари матбуот хизмати





SAYLOV 2024
27-OKTABR
MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Асосий йўналиш — адолатли фуқаролик жамиятини қуриш



«Адолат» СДП кучли, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўзининг бош мақсадларидан бири деб билади. Бу йўлда депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотини йўлга қўйиш ва муаммоларга жойида ечим топиш учун депутатлар иш вақтининг ярмини, албатта, ўз сайловчилари олдида ўтказишни белгиловчи тартибни жорий этишни таклиф қилади. Бу ташаббус жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда қўллаб-қувватланмоқда.

Избоскан туманида Ўзбекистон **“Адолат” СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Сухроб Алиев** билан ўтказилган учрашувда юқоридагилар тўғрисида сўз борди. Иштирокчилар партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва ғоялар билан таништирилгач, унга мос равишда ишлаб чиқилган номзод дастурига эътибор қаратдилар. Жамоатчилик билан яқиндан ишлаш, маҳалла институтининг мақомини янада ошириш, фуқаролар мурожаатларига эътибор ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган таклифлар қўллаб-қувватланди.

– *Сайловчиларнинг фаоллиги ошиб бораётганидан хурсандмиз,* **– дейди халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати Дилфуза Аҳмедова.** – *Улар беш йил аввалги сайловчи эмас. Номзодларнинг сайловчилар билан яқин мулоқотда бўлаётгани ҳам ўринли. Ўз дастурларини сайловчиларнинг таклифлари асосида янада бойитишмоқда. Бугунги учрашув ҳам номзодимиз билан сайловчиларни яқинлаштирди. Ҳозирдан уларнинг нафаси билан яшаган халқ вакили келгусида сайловчиларнинг ишончли вакилига айланиши аниқ.*

Тадбир якунида номзод С.Алиев сайловчиларнинг саволларига жавоб берди. Дастурини қўллаб-қувватлашлари куч берганини таъкидлади.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Сайлов кампанияси доирасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари давомида “Адолат” СДПдан депутатликка кўрсатилаётган номзодлар сайловчилар билан учрашмоқда. Бундай юзма-юз мулоқотларда сайловчиларга партиянинг илгари сураётган янги ғоя ва таклифлари, Сайловолди дастуридаги муҳим масалалар хусусида маълумотлар тақдим этиляпти.

Жумладан, **12-Бухоро вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Феруз Хусенов**нинг Когон шаҳар касб-ҳунар мактабида сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда номзоднинг таржимаи ҳоли, иш фаолияти, шунингдек, Сайловолди дастурида белгиланган муҳим йўналишлар бўйича ишончли вакили Жамшид Муҳсинов томонидан батафсил маълумот тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, Феруз Хусенов ўз Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишга, айниқса, ижтимоий аҳволи оғир бўлган, ногиронлиги бор аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратган. Номзод, шунингдек, зўравонликка дуч келган аёлларга ҳуқуқий кўмак берувчи махсус электрон платформа яратиш ғоясини илгари сурди. Бу каби ташаббуслар фақатгина аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини оширишга қаратилган бўлиб қолмай, балки жамиятда адолатни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Учрашув давомида савол-жавоблар, фикр ва мулоҳазалар қизғин кечди ва сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар эътиборга олинди. Номзод ва унинг жамоаси йиғилганларнинг саволларига батафсил ва аниқ жавоблар беришди.

Учрашувдан сўнг Феруз Хусенов Когон шаҳар “Зиёкор” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Амрилло Тошев хонадонида бўлди. У билан суҳбатлашиб, партиянинг янги Сайловолди дастури ва номзодларнинг ғоялари билан яқиндан таништирди.

– *Бугунги сайлов жараёни биздан фаолликни талаб этади,* **– дейди меҳнат фахрийси Амрилло Тошев.** – *Ҳар бир фуқаро овоз беришдан аввал номзоднинг Сайловолди дастури билан чуқур танишиб, ўз фикрларини, таклифларини билдириши лозим. Депутат халқ муаммоларини амалий тарзда ҳал эта олиши билан халқ ишончини қозонади. Шу боис, ҳар бир сайловчи ўз танловида адашмаслиги керак. Бугунги учрашув кўплаб фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг сиёсий қарашларини бойитишда муҳим аҳамият касб этди.*

Бухоро вилоятида номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати



Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим жараён – Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига тобора яқинлаштиряпти. Сайловолди жараёнларига фаол киришган “Адолат” социал-демократик партияси адолат, тенглик ва фуқаролик жамияти ғояларини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда янги демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида урғу бермоқда. Айни пайтда ҳудудларда партия номзодлари иштирокида сайловчилар билан учрашувлар уюшқоқликда давом этмоқда.

Дўстлик туманидаги “Алишер Навоий” маҳалласида ўтказилган учрашув ҳам айнан шу мақсадга қаратилди. Унда “Адолат” СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишди. Партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Пўлат Ҳамзаев ўз сўзида партиянинг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” номли янги Сайловолди дастури, унинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Учрашувда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод Дилбар Шоназарова**нинг ишончли вакили ҳам сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. Шундан сўнг сўзга чиққан депутатликка номзод ўз дастуридаги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш каби муҳим йўналишларда илгари сураётган таклиф ва ташаббуслари хусусида сўз юритди.

– *Бугун бизнинг округдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка кўрсатилган номзод маҳалламизга келиб, партиянинг ҳамда ўзининг Сайловолди дастурини батафсил, халқчил, содда тилда тушунтириб берди,* **– деди “Ғафур Ғулом” маҳалласида яшовчи уй бекаси Тамара Пардабоева.** – *Мен шу юртнинг бир оддий аёли сифатида номзодимизнинг Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада кафолатлаш ҳамда ёлланма ишчи аёллар меҳнати муҳофазасини янада кучайтириш ниятида эканини, шу билан бир қаторда ҳар бир маҳаллада болалар шуғулланадиган спорт майдонларини ташкил этиш ташаббусини илгари сураётганини билгач, хурсанд бўлдим. Албатта, маҳаллаларда аҳоли билан бундай учрашувлар ташкил этилиши, биз сайловчиларга номзодлар билан янада яқиндан танишиш имконини беради.*

Шу куни номзод Дилбар Шоназарова тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам сайловчилар билан учрашди.

Албатта, мазкур учрашувлар халқ билан бевосита мулоқотни таъминлаб, номзодларнинг сайловчилар ишончини қозонишидаги муҳим қадамларидан бири сифатида хизмат қилмоқда.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати









ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ,





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШИШ АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Партиямизнинг бош мақсади Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуришдир.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси барча фуқаролар ва мансабдор шахслар ўз ҳаёт тарзини қонун асосида йўлга қўйишидир. Бунинг учун, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашимиз лозим.

Ҳуқуқий давлат барпо этишда, энг аввало, адолатли ва мустақил суд тизимини яратишни мақсад қилганмиз. Бу борадаги энг муҳим ташаббусларимиздан бири судьялар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим ҳолларда эса судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида судлар томонидан **ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир** ўтказмоқда.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, **2023 йил** давомида **жиноят ишлари** бўйича биринчи инстанция судида **58 418 та жиноят иши, 600 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш** кўриб чиқилган. Шунингдек, **фуқаролик ишлари** бўйича судлар **943 892 та,** иқтисодий судлар **271 748 та** ишни кўриб чиққан.

Бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда ўртача **200 га** яқин ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси **300 га** яқин, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса **200 га** яқин ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, **бир судья бир ой**да **АҚШ**да **ўртача 40** та, **Канада**да **50** та, **Япония**да **10** та, **Германия**да **15** та ва **Буюк Британия**да **20** та иш кўради.

Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръати кундан-кунга ортиб бормоқда. Бироқ бугунги кунда судьяларнинг штатлар сони аҳоли сонига нисбатан мутаносиб эмас. Мамлакатимизда ҳар **100 минг аҳоли**га **3-4** нафар судья тўғри келса, бу кўрсаткич **Германия**да **24** та, **Испания** ва **Италия**да **10** та, **Португалия**да **19** та, **Венгрия**да **29** та, **Хорватия**да **42** та, **Австралия**да **27** тани ташкил этмоқда.

Ҳозир шиддат билан ўзгариб бораётган замонда айрим тоифадаги ишлар борки, судьялардан мазкур ишларни ҳал қилишда нафақат чуқур юридик билимларни, балки бошқа соҳалар бўйича кўникмаларни ҳам талаб этади. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судья бўлиш учун юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади, техника, рақамли технологиялар соҳаларида ҳам билимлар керак бўлади.

Шу боис, судьялар ресурсидан оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш учун судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда **меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқлари**га оид йўналишлар мураккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этади.

Хорижий тажрибага мурожаат этсак, **меҳнат** судлари **Германия, Франция**да, **интеллектуал** судлар **Япония, Жанубий Корея**да самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозир энг долзарб бўлган соҳалар, яъни **меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқлари**ни ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Судьялар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш, аввало, одил судлов сифатини яхшилаш, судьяларнинг иш ҳажми ва иш юкламасини камайтириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларининг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан **маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал килиш тартибини жорий қилиш, шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш таклифи ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

Партиямиз томонидан илгари сурилаётган ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буни шундай асослаш мумкин.

Биринчидан, айрим туманларда ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар бошқа туман аҳолисига анча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Жумладан, узоқ ҳудудда жойлашганлиги фуқароларнинг вақти ва маблағлари кетишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига Мирзачўл ва Арнасой туманлари аҳолиси ҳам фуқаролик ишлари юзасидан мурожаат қилишади. Бу эса узоқ туманлардан келувчи фуқароларга ноқулайликларни юзага келтирмоқда. Шу боис, ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш лозим.

Иккинчидан, бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг иш ҳажми жуда катта. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди бир йилда ўртача **ўн минг**га яқин иш кўрган, шундан ўртача 4 мингга яқинини Бухоро тумани билан боғлиқ ишлар ташкил этса, қолган қисмини эса Бухоро шаҳри билан боғлиқ фуқаролик ишлари ташкил этади. Ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаровий низолар сони салмоқлидир.

Умуман олганда, фуқаровий низолар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар сони 2022 йилда 8**63 883** тани, 2023 йилда **943 892** тани ташкил қилган.

Шу билан бирга, партиямиз томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларининг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан **маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал килиш тартибини жорий қилиш, шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш** таклифи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки эшитув босқичи демократик ва мақбул институт бўлиб, унинг жорий этилиши маъмурий суд ишларини юритиш учун конструктив ечим бўла олади.

Жаҳон амалиётида **(АҚШ, Германия)** кенг қўлланиллаётган дастлабки эшитувнинг самарали ва ижобий жиҳатларидан бири аризани иш юритишга қабул қилишда тарафларнинг тортишуви принципига амал қилинишига ва юқорида баён этилган шароитда судья тарафларнинг фикрларини эшитиши ва инобатга олиши, агар эътирозлар бўлса, у ўз ажримида асослаб бериш имконини беради. Шу билан бирга, судья мустақиллик принципига амал қилиб, ҳеч кимнинг фикри билан чекланмай, фақат тақдим этилган далиллар асосида ишни мазмунан кўриш учун суд муҳокамасига тайинлаш масаласини ҳал этади.

Яъни, дастлабки эшитувни ўтказиш асослари ариза (шикоят) судьяга берилганидан сўнг тарафларнинг ҳар бири судга бевосита мурожаат қилиши ва ўзи учун муҳим бўлган масалалар бўйича исталган саволларни бериши, далилларни тақдим этиши мумкинлиги ҳақидаги фундаментал қоидага асосланади.

Таъкидлаш зарурки, ҳозирда амалиётда маъмурий ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичи формал аҳамиятга эга бўлиб, унда судьяга қатор кенг ваколатлар қонун билан тақдим этилган бўлсада (масалан, гувоҳларни чақиртириш, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, тарафларга зарур далилларни олишга кўмаклашиш, тарафларнинг илтимосномаси бўйича уларни талаб қилиб олиш кабилар), мазкур ваколатларни амалга ошириш учун судьяда реал процессуал имкониятлар деярли мавжуд эмас.

Маъмурий ишни судда ҳар томонлама ва холисона кўрилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш масъулияти судьянинг зиммасида бўлса-да, лекин уни амалга ошириш учун реал ваколати йўқлиги сабабли маъмурий ишнинг нуқсонларини кўра била туриб суд муҳокамасига “ўтказиш”га мажбур бўлади. Маъмурий ишнинг келгуси “истиқболи”га боғлиқ масалаларни судья томонидан тарафларнинг фаол иштирокида ўрганишнинг афзаллиги – бундай тортишув муҳити судьянинг ишини нафақат енгиллаштиради, балки ишда иштирок этувчи шахслар (аризачи, жавобгар, учинчи шахслар ва ҳ.к.)нинг қимматли вақтлари тежалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳали асосий суд муҳокамаси бошланмасдан маъмурий ишнинг сифати масаласидаги “тарафлар рақобатида” судья исботлашнинг фаол позициясидан кузатувчи “бетараф арбитр” позициясига ўта бошлайди ёки “умидсиз” аризани иш юритишга қабул қилмай ишда иштирок этувчи бошқа тарафларнинг сарсон бўлишининг олдини олади.

Шундай қилиб, **дастлабки эшитув** босқичи: аризачининг иш бўйича *“манфаатдор шахс”* эканлигини аниқлаш; маъмурий ишни тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш; маъмурий иш бўйича далилларнинг етарлилигини аниқлаш; судга мурожаат қилиш муддатларини ўтказиб юбориш фактларини аниқлаш; ариза бўйича иш юритувни тўхтатиш, кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш асослари мавжудлигини аниқлаш; маъмурий низони судгача ҳал қилиш имкониятини аниқлаш имконини беради.

Низони **судгача ҳал этишнинг мажбурий тартиби** ўрнатилишининг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, қуйи органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилувчи бирор-бир қарорни қабул қилишда қонун ҳужжатларига сўзсиз амал қилишини, мансабдор шахслар масъулиятининг ошишини таъминлайди;

иккинчидан, суд харажатлари ва давлат божининг мавжуд эмаслиги. Бу эса фуқаронинг ортиқча сарф харажат қилишининг олдини олишга хизмат қилади;

учинчидан, низоларнинг оператив ҳал этилиши. Натижада, манфаатдор шахсларнинг вақти тежалишига имкон яратади;

тўртинчидан, шикоятни осон расмийлаштирилиши. Бу эса фуқароларнинг ортиқча қийинчиликларсиз ва аризаларни “шаблон”га келтиришга уринишларсиз мурожаат этишига ва ушбу мурожаатлар юқори маъмурий орган томонидан қабул қилиниб, кўриб чиқилиши имконини беради;

бешинчидан, ҳамкорлик муносабатлар. Маъмурий орган ва фуқаролар ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятининг янада ошишига хизмат қилади;

олтинчидан, маъмурий органларнинг иш сифатини ошириш ва камчиликларни тўғрилаш. Яъни, юқори органлар томонидан қуйи органлар қандай тоифадаги масалалар бўйича қарор қабул қилишда қонунчиликка амал қилмаётганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади, натижада ушбу камчиликларни бартараф этиш ва амалиётни бирхиллаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, керак бўлса қуйи орган ходимларининг малакасини ошириш, зарур ҳолларда эса жазолаш тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилади;

еттинчидан, фуқароларнинг ишончини қозониш. Бу энг муҳим масалалардан бири бўлиб, ноқонуний маъмурий актнинг юқори маъмурий орган томонидан кўриб чиқилиб, бекор қилиниши фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада оширади.

Охирги йилларда мамлакатимизда

– Коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-тарож ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, етказилган зарарларни ўн баробар миқдорда ундиришни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш;

– илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупция фактларини «дастлабки ўрганиш» (коррупцион суриштирув) институтини жорий этиш;

– жиноий йўл билан хорижга олиб чиқиб кетилган активларни қайтаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, бунда қайтарилган активларнинг ижтимоий соҳага йўналтирилишини ҳамда бу жараёнларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;

– Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш, коррупцияга қарши ягона давлат сиёсатини юритувчи органга айлантириш ва коррупцион жиноятларни тергов қилиш ваколатини бериш.

Коррупцияга қарши курашиш маданиятини инновацион ёндашувлар асосида ёшларнинг онгига сингдириш партиянинг қатъий позициясидир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан

йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо шунга қарамай, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини бузишда давом этмоқда.

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши фожиали оқибатларга олиб келади. Натижада ҳар йили мамлакат йўлларида минглаб одамлар, жумладан, болалар ҳалок бўлади. Демак, ўрнатилган қоидаларга риоя қилмаган йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан муносиб жазо чоралари қўлланилиши керак. Жазодан мақсад, биринчи навбатда, тарбия ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишдир. Токи, қоидани бузган инсон ўз айбидан тўғри хулосага келиб, бундай хатти-ҳаракатлардан тийилсин.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилнинг етти ой давомида республика ҳудудида **4 772 та** ЙТҲ қайд этилган. Шундан **2 453 таси** ёки **51,4 фоизи** субъектив сабабларга кўра содир этилган, яъни ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан.

Агар ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилганда юқоридаги барча ЙТҲлар содир бўлмаслиги мумкин эди. Ачинарлиси, Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида **1 115** киши ҳалок бўлган, **4 минг 564 нафари** турли тан жароҳатлари олган.

Биргина Тошкент шаҳарида 2023 йилнинг ўтган етти ойида **675 та** йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ҳодиса оқибатида **71 киши** ҳалок бўлган, **787 киши** турли тан жароҳатлари олган. Бахтсиз ҳодисаларнинг энг кенг тарқалган сабаби тезликни ошириш бўлган – **199 та ҳолат.** Ҳайдовчилар томонидан **90 та** ҳолатда тақиқловчи светофор ишорасига эътибор бермаслик, маст ҳолатда ҳайдовчилар иштирокида **8 та** ЙТҲ содир этилган.

Бу каби ҳолатларнинг кескин ошаётгани йўлларда ҳаракатланиш бўйича қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кескин кучайтириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Уларни тартибга чақириш учун фақатгина жарима миқдорини ошириш билан кифояланиш кутилган натижани бермаяпти.

Дунё тажрибасига назар солсак, **Финляндия**да тезликни оширганлик учун 200 минг доллар миқдорида маъмурий жарима қўлланилади. **АҚШ**да ҳар бир штатда тезликни оширганлик учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, балли тизим ҳолатида кўп бора маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. **Буюк Британия**да ҳайдовчи тезлигини оширганида, 3 баллдан 6 баллгача баҳоланади. Миқдор ошиб кетса, судга чақирилади. **Япония**да тезликни ошириш кўп бора содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилиши, ҳаттоки, қамоқ жазоси қўлланилиши мумкин.

Айрим давлатларда маст ҳайдовчиларга дарҳол жиноий жавобгарлик қўлланади.

Россияда маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун 30 минг рубль жарима солинади, шунингдек, 2 йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2010 йил августида **АҚШ**да жаҳонда илк бор маст ҳайдовчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бунгача Техас штатида яшовчи Бобби Стовалл рулга тўққиз марта маст ҳолатда ўтириб қўлга тушган. Округ прокурори Жон Брэдли ўз қарорини шундай тушунтирган: *«У кимнидир ўлдириб қўйишидан аввал, биз уни тўхтатишга қарор қилдик»*.

Қўшма Штатларда қоида тариқасида автомобилни маст ҳолатда бошқариш жарима билан жазоланади. Штатига қараб, ўртача 750 доллар жарима тўлаш ёки 30 кундан 6 ойгача қамоқхонада ўтиришга тўғри келади. Қоидабузарлар ҳайдовчилик ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилади. Биринчи марта тушганларнинг «права»си 90 кунга, иккинчи марта – 1,5 йилга, учинчи марта – умрбод олиб қўйилади. Айрим штатларда қоидабузарлик такрорланса, автомобиль мусодара қилинади.

Буюк Британияда рулга маст ҳолда ўтирган ҳайдовчи илк қоидабузарлик учун 6 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинади, у, шунингдек, 5 минг фунт-стерлинг жарима тўлаб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум этилади.

Германияда ҳаммаси ҳайдовчининг қонида аниқланган алкогол миқдорига боғлиқ. Агар у 1,1 промилледан юқори бўлса, жиноят кодекси доирасида жазога мубтало бўлади. У ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади, 3 ойлик иш ҳақи миқдорида жаримага тортилади ёки 5 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Сингапурда бундай қоидабузарлик учун 1 йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси қўлланади. Шунингдек, ҳайдовчи катта миқдорда жарима тўлайди ёки ярим йилча қамоқда ўтиради. Қайта қоидабузарлик учун қамоқ жазоси 3 йил этиб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, партия томонидан ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун қонун ҳужжатларида жазо чораларини кучайтириш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, “Адолат” СДП томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини **кўп бузган транспорт воситаси эгасининг жавобгарлигини суғурта қилиш суммасини шунга мутаносиб равишда оширишни** таклиф этмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада ўзига хос тизим мавжуд. Масалан, **АҚШ**да агар ҳайдовчининг жарима баллари бўлса – бу суғурта компанияларига кўринади, унинг суғурта полиси қимматлашади. Нью-Йорк штатида 2 балл (140 доллар) жарима учун суғурта полиси ҳақи ойига 15 доллар қимматлайди. Жарима баллари йилига 2 тага «куяди», агар бу орада янги қоидабузарлик қайд этилмаган бўлса! Яъни, қоидабузар 140 доллар жаримадан ташқари, бир йилда 180 доллар қўшимча суғурта бадали ҳам тўлайди.

Агар келгуси йил қоидабузар яна икки балли бирор қоидабузарликка йўл қўйса, суғурта ойига 40 долларга ошади. Боз устига, аввалги қоидабузарлик учун 2 балл «куймайди». Яъни, қоидабузар жаримадан ташқари йил давомида суғуртага 480 доллар ортиқча тўлайди.

Бу ҳолатда кейинги йил учун ҳам фақат икки балл «куяди». Демак, шундан сўнг ҳам оширилган суғурта — 180 доллар тўлашда давом этилади. Икки йил учун оширилган суғурта суммаси 660 долларни ташкил этади.

Агар бу муддат ичида қоидабузар ҳайдовчи яна бир-икки балли қоидабузарликка йўл қўйса, у бир йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ҳуқуқ тикланганидан кейин ҳам яна икки йил «суғурта» оқибатларини тўлаш керак. АҚШда суғуртасиз юриш жарима, ҳибсга олиниш ва бир-икки ҳафта қамоқда ўтириш билан жазоланади.

Мамлакатимизда эса суғурта йўқлиги учун машинани жарима майдончасига киритиб қўйиш тартиби мавжуд эмас. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда эса унинг ашаддий қоидабузарлиги мутлақо инобатга олинмайди. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини кўп бузган транспорт воситаси эгасининг жавобгарлигини суғурта қилиш суммасини шунга мутаносиб равишда ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Партия коррупция жамиятимиз тараққиёти, иқтисодиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига катта салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни муҳим, деб билади.

Бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупция фактларини **“дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув)** институтини жорий этишни мақсад қилган. Шу ўринда савол туғилади. Коррупция ҳолатлари бўйича “дастлабки ўрганиш” институти қайси давлатларда бор ва унинг жорий этилиши Ўзбекистонга нима беради?

Гонконгда 1974 йилда мустақил Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (ICAC) ташкил этилган. ICAC коррупция ҳолатларини суриштириш, олдини олиш ва таълим бериш билан шуғулланади. ICACнинг асосий вазифаларидан бири - дастлабки суриштирувларни ўтказиш бўлиб, бу коррупция схемаларини эрта аниқлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш имконини беради (IAP Association).

Индонезияда 2003 йилда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (KPK) коррупция ишлари бўйича дастлабки суриштирувларни ўтказиш ваколатига эга. KPK коррупцияга қарши курашиш учун масъул бўлган бошқа муассасаларни фаол координация қилади ва назорат қилади ҳамда бу соҳада катта муваффақиятларга эришган (Centre for Public Impact).

Швецияда Миллий коррупцияга қарши бошқарма коррупция ҳолатлари бўйича дастлабки суриштирувлар билан шуғулланади. Масалан, 2022 йилда у Ироқдаги коррупцияда гумон қилинган Ericsson компанияси бўйича дастлабки суриштирувни бошлаган (ICIJ).

Таъкидлаб ўтиш керакки, институтнинг Ўзбекистонда жорий этилиши қуйидаги имкониятларни беради:

биринчидан, коррупцияни самарали аниқлаш. Дастлабки суриштирув институтини жорий этиш коррупция схемаларини эрта босқичларда аниқлаш имконини беради ва йирик коррупция ҳуқуқбузарликларининг олдини олади;

иккинчидан, шаффофликни ошириш. Дастлабки суриштирувлар учун ихтисослаштирилган органни яратиш давлат муассасаларида шаффофликни оширади ва фуқароларнинг ҳукуматга ишончини мустаҳкамлайди;

учинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш. Янги институт доирасида ишлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга ва коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишга ёрдам беради;

тўртинчидан, халқаро тажриба. Илғор халқаро тажрибаларни қўллаш Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини оширадиган синовдан ўтган метод ва ёндашувларни мослаштиришга ёрдам беради.

Бундай чора-тадбирларни жорий этиш ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ишончини оширишга ва мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ёрдам беради.



Ўлимидан кейин ОҚЛАНГАН КОМИССАР

Шўролар давлати ҳокимият тепасига келганидан бошлаб собиқ иттифоқда икки марта сиёсий қатағон рўй берган бўлса, республикамизда бу жараён билан боғлиқ хунрезликлар тўрт марта амалга оширилган. Юртимизда дастлабки сиёсий қатағон 1929-1931 йилларда рўй берди. Ана шу йилларда “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик”, “Наркомпросс иши” ва бошқа шу каби номлар остида маданият, ҳуқуқ, маориф, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда халқимиз орасидан етишиб чиққан зиёли, илм-маърифатли инсонлар қамоқларга олиниб, қирғин қилиндилар. Иккинчи бор қатағон қиличи халқимиз бошида 1937-1938 йилларда айланди. Учинчи бор сиёсий қатағон юртимизда ўтган асрнинг 50-йилларида бошланди. Сталин шахсига сиғиниш билан боғлиқ ҳолатда юзага келди. Тўртинчи сиёсий қатағон республикамизда 1980 йилларнинг ўрталарида “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” билан боғлиқ равишда амалга оширилди. Натижада бу сиёсий хунрезликлар оқибатида халқимизнинг минг-минглаб вакиллари бегуноҳ жабрландилар, ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ҳаётдан кўз юмдилар. Ана шу сиёсий қатағонлар қурбонларининг бир қисми мамлакатимизда маърифатпарварлик оқимини бошлаб берган жадидлардан ва юртимиз истиқлоли учун курашган миллий озодлик ҳаракати курашчилари вакилларидан иборат эди.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ноҳақдан айбланган, ҳаётдан бевақт кўз юмган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш, хотираларини абадийлаштириш ҳаётий зарурат эди. Бу ишга кенг кўламда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин, 1991 йилдан сўнг киришилди. Республикамиз пойтахти Тошкентда ва вилоятларда “Шаҳидлар хотираси” майдонлари ҳамда “Қатағон қурбонлари” музейлари ташкил этилди. Сиёсий қатағонлар даврида ноҳақ айбланиб, қурбон бўлганлар номлари оқланди. Улар хотиралари абадийлаштирилиб, юртимиз, халқимиз учун қилган ишлари улуғланди. Эндиликда бу борада бошланган ишлар давом эттирилиб, жадидчилик ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати намояндаларининг фаолияти ҳам холислик билан ҳаққоний баҳоланмоқда.

Албатта, рўй берган қатағонлар пайтида фақат миллатдошларимиз, ўзбек халқи вакилларигина сиёсий жабрдийдалар, ноҳақлик қурбонларига айланмадилар, балки мамлакатимизда яшаган, юртимиз истиқболи учун курашган рус, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ ва бошқа кўплаб миллатлар намояндалари ҳам қатағон қийноқларини, азобларини бошидан кечирдилар. Қатағон қиличи миллат танлаб ўтирмади. Бу галги мақоламизда ана шундай, юртимизда яшаб, фаолият юритган ва қатағонга учраб, ҳаётдан кўз юмган рус миллатига мансуб Александр Сидоров тақдири хусусида сўз юритамиз.

Александр Сидоров мамлакатимизда собиқ шўролар давлатининг шаклланишида фаоллик кўрсатган жамоат арбобларидан бири ҳисобланади. У Туркистон Автоном Совет Социалистик республикаси ташкил этилган даврда икки марта – 1918 йил 27 январдан 1 майгача, 1919 йил 31 мартдан 3 октябргача Юстиция халқ комиссари бўлиб ишлаган. Яъни, юртимизда адлия тизимидаги илк раҳбарлардан бири бўлган.

Унинг таржимаи ҳоли Россиядан Туркистонга келиб қолган кўплаб рус мужикларининг ҳаётидан деярли фарқ қолмайди. У 1892 йилда Симбирск шаҳрида туғилади. 1911 йилда шаҳардаги ўрта махсус билим юрти бўлган гимназияни тугатади. Шундан кейин ўқишни давом эттириш мақсадида Қозон университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширади. Бу ерда ўқишга кириш учун бир йил давомида тайёргарлик кўради. Аммо маблағи етишмаганлиги сабабли ўқишга тайёргарликни тўхтатади. Қозон университетидаги ўқитувчилардан бири уни ўзи билан бирга Тошкентга боришга таклиф қилади. Тошкентга келганидан кейин Урсатов темир йўл станциясида ҳар хил ишларда ишлайди. Ишчилар ва уларнинг болаларига таълим беради. Темирйўлчиларнинг йиғинларида қатнашади. Ҳамма жойда халқ учун, аҳоли учун яшаш, ҳаёт кечириш қийинлигини англаб етади. Ноҳақлик, адолатсизлик туфайли юз бераётган исёнларда, ғалаёнларда қатнашади. Жандармиянинг таъқибига тушади. Урсатовдан қувғин қилинади.

Бир фурсат Тошкентда яшаганидан кейин 1913 йилда ҳарбий хизматни ўташ учун Симбирскка қайтиб кетади. Лекин ҳарбий хизматга олинмайди ва шаҳардаги молия ишларини бошқарувчи ғазнахонанинг концелярия бўлимига ишга киради. 1915 йилда Қозон университетига ўқишга кириб, 1917 йилда университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини битириб чиқади. Университетда ўқиб юрган пайтида студентлар қўзғолонларида фаол қатнашади, давлатга қарши бўлган талабаларнинг яширин ташкилотларининг аъзосига айланади. 1916-1917 йилларда бир неча марта Тошкентга келиб, инқилобий ҳаракатларда иштирок этади. 1917 йилдан кейин Тошкентга доимий яшаш учун келиб, тирикчилик важидан бир қанча ишларда ишлайди. 1918 йилдан бошлаб Туркистон ўлкаси Марказий Ижроия комитетига сайланади ва 1918 йил 27 январда Юстиция халқ комиссари қилиб тайинланади.

Бу даврда – 1918 йилнинг 20 апрель – 1 май кунлари советларнинг V ўлка съездида Туркистон ўлкаси Россия Совет Социалистик Федератив республикаси (РСФСР) таркибидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик республикаси (ТАССР)га айлантирилганлиги эълон қилинади. РСФСРда ишлаб чиқилган декретлар, қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар тўғридан-тўғри Туркистон Автоном республикаси ҳудудларида амал қилинади. Бунинг учун Тошкентда Юстиция халқ комиссариати томонидан қонун ҳужжатларини нашр қиладиган ва уларни барча совет ташкилотларига етказиб берадиган босмахона ва корхона ташкил этилади. Афсуски, бу босмахонада қонун ҳужжатлари ҳамиша ҳам ўз пайтида нашрдан чиқарилавермаган, уларни чоп этиш кечиккани сабабли Юстиция халқ комиссариати йиғилишларида бу хусусда алоҳида қарорлар қабул қилинган. Бу қонун ҳужжатларини жойларга етказиб беришга жиддий эътибор берилган.

Маълумки, шўролар давлати ўрнатилиб, большевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейин барча ўлкаларда фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракатлари авж олади. Жумладан, Туркистон ҳудудларида ҳам ана шундай ҳаракатлар вужудга келади. Давлатга ва сиёсий тизимга қаршилик кўрсатадиган кучлар пайдо бўлади. Советлар уларга қарши курашни кучайтириш учун Олий трибунал, Вилоят революцион трибуналлари, Фавқулодда комиссиялар, Ҳарбий судлар каби ҳуқуқий ташкилотларни ташкил этадилар. Дастлаб бу ташкилотлар Юстиция халқ комиссарлигидан алоҳида фаолият олиб борадилар. Кейинчалик улар комиссарликка бўйсундирилади ва трибуналлар ҳамда ҳарбий судларнинг ноқонуний иш кўришларига чек қўйилади. Жиноий ишлар административ буйруқбозлик асосида эмас, ҳуқуқий асосда кўриб чиқиш белгиланади. Лекин комиссарликнинг ўзида етук ҳуқуқшунослар бўлмагани сабабли суд ишларида адолатсизликлар кўплаб рўй берган.

1918 йилда Оренбург оқ гвардиячилар томонидан босиб олинганидан кейин шўролар давлатининг маркази билан Туркистон Автоном республикаси ўртасида алоқалар узилиб қолади. Шу йилнинг кузига бориб Оренбург яна советлар томонидан оқ гвардиячилардан озод этилади, натижада ТАССР билан шўролар давлатининг маркази ўртасида алоқалар тикланади. Марказ Туркистонга декретлар, қонунлар, қарорлар мажмуаси билан биргаликда Амин фамилияли ҳуқуқшунос-большевикни ёрдамга юборади. У Туркистон АССРнинг Юстиция халқ комиссариатининг фаолияти ва тизимини марказ топшириғига кўра қайтадан ташкил этади. Бунга кўра Юстиция халқ комиссариати 4 та бўлимдан иборат ҳолда қайта шакллантирилади:

1) Суд қурилиши ва шахсий таркиб бўлими;

2) Қонунлар учун таклифларни кўриб чиқиш, кодификациялаш ва уларни эълон қилиш бўлими;

3) Бошқарув-хўжалик бўлими;

4) Жазолаш бўлими.

Комиссарликдаги асосий ишлар дастлабки икки бўлим зиммасига тушади. Айниқса, суд қурилиши ва шахсий таркиб бўлимида жиддий ишларни амалга ошириш белгиланганди. Советлар ҳокимияти қўл остидаги ўлкаларда Чор Россияси давридаги мавжуд суд тизимини тубдан тугатиш ва улар ўрнида Ягона умумхалқ судларини ташкил этишга киришади. Бундай судларни ташкил қилиш тўғрисида декрет ҳам қабул қилинади. Айни пайтда большевикларнинг динни давлатдан ва мактаблардан ажратиш тўғрисидаги декрети эълон қилиниши билан Умумхалқ судлари фаолиятида диний асосларга асосланиб ҳукм чиқариш барҳам топади. Россиянинг барча ўлкаларида советларнинг декретлари, қонунлари, қарорлари асосида иш кўрадиган Ягона умумхалқ судларини ташкил этиш ишлари муваффақиятли амалга оширилади.

Аммо Туркистон Автоном республикасида ана шундай Ягона умумхалқ судларини ташкил этиш қийин кечади. Аввал Тошкент шаҳрида, кейин Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Закаспий областларида бундай судларни ташкил этишга қарши турувчилар кўпаяди. Азалдан шариат ва одат судлари фаолиятига кўниккан ҳамда уларнинг шариат, одат бўйича чиқарган ҳукмларини тўғри, деб ҳисоблайдиган мусулмонлар советларнинг декретлари, қонунлари асосида иш юритишга мўлжалланган Ягона умумхалқ судларига ишонмайди. Натижада Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Юстиция халқ комиссариати Ягона умумхалқ судлари билан бирга шариат ва одат судларининг фаолият юритишига рухсат беради. Лекин шариат ва одат судлари фаолиятида советлар томонидан қабул қилинган декретларга, қонунларга бўйсуниши мажбурий қилиб қўйилади ва айни пайтда шариат ва одат судлари ҳукмидан норози бўлган судланувчиларга Ягона умумхалқ судига апелляция бериш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Буларнинг бари советларнинг Ягона умумхалқ суди суд тизимида юқори инстанция вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

Аммо ҳуқуқ тизимида ишлар муваффақиятли кечмагани ва режадаги ютуқларга эришилмагани туфайли Александр Сидоров 1918 йилнинг 1 майида Юстиция халқ комиссарлигидан бўшатилиб, бошқа ишга ўтказилади. Бироқ орадан кўп ўтмай, 1919 йилнинг 31 мартида яна Юстиция халқ комиссари этиб тайинланади. Унинг Юстиция халқ комиссари сифатида иккинчи маротаба фаолият юритган даврида бу тизимда яна кўплаб ўзгаришлар рўй беради. Трибуналлар ва ҳарбий судларнинг бошқарув тузилмалари ҳамда таркиби янгиланади. Шу билан бирга, Революцион трибуналлар Юстиция халқ комиссариати ҳисобидан чиқарилиб, Туркистон Автоном республикаси Марказий Ижроия Комитети ҳисобига ўтказилади. Область Фавқулодда комиссиялари ва Алоҳида муҳим ишлар бўлимлари эса тўғридан-тўғри Комиссарлар советига бўйсундирилади. Тошкентда халқ судлари вакиллари ва терговчиларнинг малакаларини ошириш учун курслар ташкил қилинади.

Ўша давр ҳужжатларига, Юстиция халқ комиссарлигининг архив материалларига, матбуот саҳифаларига назар ташласангиз юстиция, суд, тергов, ҳуқуқшунослик, қонуншуносликнинг барча жабҳаларида жиддий ислоҳотларни амалга ошириш борасида иш олиб борилганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Социалистик давлат қонунлари, жиноят ва жазо принциплари, жиноятчиларни тарбиялаш жараёнлари буржуа жамиятидагидан кескин фарқ қилиши ҳақида сўз юритилган. **“Инсон ҳеч вақт ўғри, қотил, талончи, жиноятчи бўлиб туғилмайди, унинг шундай ҳолатга тушишига жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик сабаб бўлади. Капиталистик жамиятдан фарқли ўлароқ, социалистик жамият айрим жиноятчиларга эмас, умумжиноятчиликка, уни келтириб чиқарадиган сабабларга қарши курашади ва шу тариқа жиноятчиликка барҳам беради. Айни пайтда большевиклар капиталистлар каби жиноятчиларни ҳар хил жазолар билан жазолаш йўлидан эмас, уларни меҳнат орқали тарбиялаш йўлидан боради”.** Бундай ақлли, доно гаплар, фалсафий мулоҳазалар большевиклар матбуотида қанча кўп айтилмасин, қамоқхоналар сиёсий маҳбуслардан тортиб ўғри, талончи, қотилларга тўлиб кетган, трибуналлар, ҳарбий судлар минг-минглаб одамларни ўлим жазосига ҳукм қилиш билан банд эди. Юстиция соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш мураккаб кечарди.

Юстиция халқ комиссари Александр Сидоров Халқ Комиссарлар Советининг аъзолари Павел Чегодаев ва Павел Домогатский билан биргаликда Бухоро амири ҳузурига бориб, у билан Туркистон Автоном Совет Социалистик республикаси номидан тинчлик, ҳамкорлик ўрнатиш борасида музокараларда иштирок этган. Унга 1918 йилнинг 25 мартида берилган гувоҳномада ана шу ҳақда маълумот келтирилган.

1919 йилда Юстиция халқ комиссариати рус тилида “Хабарнома”ни нашрдан чиқаришни йўлга қўйган. Шу йилнинг 1 июлида нашр этилган “Хабарнома”нинг 2-сонида комиссариат Бутунроссия Ишчи-деҳқонлар ҳукумати томонидан эълон қилинган кодекслар, декретлар ва қарорлар 9 июлдан бошлаб Туркистон республикасининг барча нуқталарида қонуний асосга эга эканлигини маълум қилади. “Хабарнома”нинг яна бир сонида маҳаллий мусулмонларнинг “қозилар ва бийлар судлари”ни Ички ишлар комиссариатидан олиб, Юстиция халқ комиссариатига ўтказишгани ҳақидаги хабар берилган. “Хабарнома”нинг кейинги сонларида Ҳарбий суд, трибуналлар, Алоҳида ишлар бўлими, Жазолаш бўлими, Ягона умумхалқ судининг область, район бўлимлари таркиби, тузилиши, фаолияти, иш тартиби ва бошқалар хусусида маълумотлар ёритилган.

1919 йилнинг 31 мартида Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади ва йиғилишда унинг янги таркиби сайланади. Марказий ижроия комитет раислигига Казаков, раис ўринбосарлигига Успенский, Темлянцев, Рисқулов, Халқ Комиссарлар Совети раиси вазифасига Сорокин, Ишлар бошқарувчилигига Замин, Ички ишлар халқ комиссарлигига Забаров, Ташқи ишлар халқ комиссарлигига Богоявленский, Социал таъминот ва меҳнат халқ комиссарлигига Камилин, Молия халқ комиссарлигига Голятовский, Юстиция халқ комиссарлигига Сидоров, Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига Орлов, Маориф халқ комиссарлигига Абдусатторов, Миллий масалалар бўйича халқ комиссарлигига Турсунхўжаев, Почта, телеграф халқ комиссарлигига Стефанюк, Озиқ-овқат халқ комиссарлигига Поваров, Ер ишлари халқ комиссарлигига Фотеев, Ҳарбий ишлар халқ комиссарлигига Сафонов кабилар тайинланадилар. Ушбу рўйхат Туркистон Автоном республикасининг бошқарув таркиби 1918 йилга нисбатан ўзгарганлигини ва маҳаллий миллат вакилларидан учтаси киритилганлиги билан олдинги рўйхатдан фарқ қилади. Александр Сидоров ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олган. Лекин у 1919 йилнинг 3 октябрида бошқа ишга ўтказилгани сабабли Юстиция халқ комиссари вазифасидан озод қилинади.

Александр Сидоров кейинчалик Ашхобод, Одесса, Херсон шаҳарларида партия ташкилотларининг етакчиларидан бири сифатида фаолият юритган. 1927 йилда раҳбарлик лавозимида йўл қўйган хатолари учун партия сафидан ўчирилган. 1935 йилда Тошкент шаҳрига қайтиб келиб, Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссариатида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Қатағон даврида, 1937 йилнинг 28 январида қамоққа олинади. У 1931 йилдан то қамоққа олингунча кечган даврда “Сталин шахсига нисбатан ҳақоратомуз сўзлар айтганликда, унинг сиёсатини ошкора нотўғри танқид қилганликда, Риков, Бухарин, Томский, Зиновьев, Кеменев каби халқ душманларига ён босганликда” айбланади. Ана шу айблари туфайли А.Сидоров 1938 йил 22 майда ўлим жазосига ҳукм қилинади ва ҳукм ижро этилади. У Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси протестига кўра “ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун” *оқланади. Бу ўлимидан кейин оқланган Юстиция халқ комиссарларидан бири эди.*

Донолар бисотидан

Эҳтиёт бўл! Ҳаммага ҳам ишонаверма!

* * *

Мардлик ҳақида кўпинча қўрқоқлар, яхшилик тўғрисида ичиқоралар тўлқинланиб гапиради.

* * *

Энг қийин ишлардан бири – тилни тия билишдир. Бу – энг керакли нарса.

* * *

Соддалик, олижаноблик ва ҳақиқат йўқ жойда улуғворлик бўлмайди.

Лев ТОЛСТОЙ

* * *

Сенинг энг яқин одаминг сен билан ўзини яхши ҳис қиладиган одам эмас, балки юзлаб одамлар сен билан ўзини яхши ҳис этиши мумкин бўлганлар, сенсиз ўзини тасаввур қила олмайдиганлар энг яқинларингдир.

* * *

Инсонни бу ҳаётдан кетгандан кейингина қадрлай бошлайдилар.

* * *

Одамлардан ва вазиятдан қочишинг мумкин, аммо ўзингнинг фикр ва ҳиссиётларингдан ҳеч қачон ҳеч қаёққа қочиб кета олмайсан.

* * *

Ҳеч қанақа макияж инсон юзини кўзидаги ростгўйлик ва табассумидаги самимийликчалик безай олмайди.

Эрих Мария РЕМАРК

* * *

Мени алдаганинг учун хафа эмасман, балки энди сенга ишониб бўлмаслиги учун хафаман.

Фридрих НИЦШЕ

* * *

Инсонни олижанобликкa ўргатиш мумкинлигини тасаввур қилиш – хаёлдан бошқа нарса эмас.

Андрей ТАРКОВСКИЙ

* * *

Агар менинг оловим ўчган бўлса, менга эмас, балки менинг оловим олдида ўтирганларга ачининг.

Расул ҲАМЗАТОВ

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Huquqiy
davlat va adolatli
jamiyat sari!

www.adolat.uz

OVOZ BERING!

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

Кейинги йилларда жамиятда, оилаларда зулмга, зўравонликка қарши курашиш борасида кўплаб янги қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг тарғиботи кенг кўламда амалга оширилаяпти. Аммо, афсуски, ҳаётимизда зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар камайгани йўқ.

Ҳуқуқ

Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Андижон туман судининг раиси

Инсонга зўравонлик қилиш, унга жисмоний ва руҳий азоб етказиш ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга сабаб бўладиган қилмишлар учун қонунларга мувофиқ жавобгарлик назарда тутилган. Шахсга зўравонлик қилиш, жисмоний шикаст билан бир вақтнинг ўзида жабрланувчига жиддий маънавий зарар ҳам етказади, айрим ҳолларда маънавий зарар оғир оқибатларга сабаб бўлади.

Андижон тумани мисолида жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар таҳлил қилиб ўрганилганда, туман ички ишлар органларига тиббиёт муассасаларидан бир йилда 1000 га яқин зўравонлик билан баданга шикаст етказилганлиги тўғрисида хабарлар келиб тушган. Бундай ҳолатлар кўп бўлишига қарамай, амалиётда айни соҳада айрим камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан, судда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир материаллар кўриб чиқилганда, уларнинг катта қисмида ишни қўзғатиш рад этилгани аниқланган. Бундан ташқари, суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, зўравонлик билан боғлиқ ишларни тергов қилишда, жабрланувчига нисбатан содир этилган муттасил дўппослаш, хўрлаш, қийнаш, вояга етмаган шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ҳолатлар ёритилмай, жиноят объекти сифатида баданга шикаст етказишга асосий эътибор қаратилиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғри баҳоланмаган.

2023 йил 11 апрель кунги *“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”*ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодексининг янги 1261-моддасида Оилавий (маиший) зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди, маъмурий жавобгарликка оид кодексга ҳам зўравонлик билан боғлиқ қилмишларга қарши қатор нормалар киритилди ва суд амалиётида юқоридаги нормалар кенг қўлланилиб, тажовузга учраган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, зўравонлик бошқа шахснинг дахлсизлиги ва соғлиғига қўпол тажовуз қилиш орқали унинг шаъни ва қадр-қимматини камситади. Бундай ҳолатларда, одатда, ҳимоясиз ва етарли даражада ҳимояланмаган инсонлар зарар кўрадилар. Бундайлар қаторига аёллар, болалар ва қарияларни киритишимиз мумкин. Зўрлик ишлатиш ва қийнаш, асосан оила-хўжалик муносабатларида кенг тарқалган. Зўравонлик натижасида жабрланувчилар нафақат жисмоний азобланадилар, балки бу унинг ўзи, ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларининг руҳий ҳолатига ҳам ёмон таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда зўравонликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари учун статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича электрон журнал ишлаб чиқилган ва айни пайтда 197 та реабилитация марказлари фаолият юритмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу марказларда жорий йил август ойигача 20 мингдан ортиқ фуқаролар мурожаатлари қабул қилинган. Зўравонлик туфайли мурожаат этганларнинг асосий қисмини аёллар, болалар ва қарилар ташкил этишган.

Юқоридаги шахслар билан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, оиладаги зўравонликларнинг 95 фоизи турли оилавий-маиший можаролар сабаб содир этилган, сўровномада қатнашганлар ушбу можароларнинг 35,5 фоизи бир неча ойдан буён давом этаётганини таъкидлашган. Содир бўлган зўравонликларнинг 88 фоизида куч ишлатилган, 76,7 фоиз жабрланувчилар уларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳақида илгари ҳеч қаерга хабар беришмаганини маълум қилишган. Бунинг асосий сабаблари сифатида, “ҳеч ким ёрдам бера олмайди”, деб ўйлаш, ҳеч кимга ишонмаслик, уйдаги гапларни кўчага олиб чиқмаслик, муаммони ўзи барҳам топишига ишониш, шунингдек, зўравон томонидан янада қаттиқроқ таъқибдан қўрқиб, уятдан, оиласининг бузилиб кетишидан, фарзандлари келажагидан ташвишланиб зўравонлик ҳақида хабар беришмаган.

Зўравонлик қилган шахслар характери ва уларни жиноятга бошлаган асосий мотивлар ўрганилганда зўравонлар оилада ўз ҳукмини ўтказиш, турмуш ўртоғи ёки фарзандларнинг “ақлини киритиб қўйиш”, оиладагиларни ўз вазифасини тўлиқ бажармагани учун, шунингдек, шахсий ҳаёти, иш ёки ўқишдаги муваффақиятсизликлар, ишсизлик, оиладаги етишмовчиликлар, рашк, хиёнат, кўра олмаслик, ғаразлик, ўзаро ҳурматсизлик, маънавиятсизлик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилиш каби иллатлар сабаб экани аниқланган.

Бундан ташқари, шахсда зўравонликни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунки зўравонлик ахборот оламида намойиш этилиши жамиятда унинг қўлланиши эҳтимолини оширади. Умуман олганда, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи ахборотлар ва фильмларнинг тарқатилишининг хавфлилиги шундаки, зўравонлик саҳналарини ўз ичига олган видеосюжетларнинг кўп намойиш этилиши натижасида аҳолида ҳаётга, яхшилик ва адолат идеалларига ҳурматсизлик шаклланади. Айни вақтда инсон ҳар қандай конфликтни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга берилади. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси ахлоққа зид, агрессив ғайриқонуний шахслараро муносабатларга олиб келади. Зўрликнинг сабабларидан яна бири бу ишсизлик ҳисобланади. Умуман, ишсизлик ҳуқуқбузарликларнинг ўсиши ва фуқаролар ижтимоий ҳаётий кўрсаткичларининг ёмонлашувини белгиловчи асосий омиллардан биридир. У бошқа салбий ижтимоий оқибатлар, жумладан, зўравонликнинг сабабларидан бири ҳисобланади. Доимий даромад манбаининг йўқлиги, биринчи навбатда, оиланинг аҳволи ёмонлашувига олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, жамиятдаги зўравонликнинг сабабларини ўрганиб ва суд-тергов амалиёти натижаларига асосланиб, зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қуйидаги профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Яъни, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши изчил ва қатъий кураш олиб бориш, оилавий ва бошқа маиший конфликтлар негизида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида таъсир кўрсатиш, профилактика ишининг сифатини яхшилаш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонликнинг тарғиб қилинишига, ижтимоий онгда зўрликнинг қораланмаслигига, ёшлар ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишнинг зўравонликка, куч ишлатишга асосланган ғайриқонуний йўлларига қараб мўлжал олишларига қарши ҳаракат қилиш, оммавий ахборот воситаларини қонунга бўйсунувчи фуқаро образини тарғиб қилишга кўпроқ йўналтириш, зўравонлик билан боғлиқ қонунбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш зарур.

Албатта, зўравонликка қарши курашда унинг учун белгиланган ҳуқуқбузарлик ёки жиноий жавобгарликни кучайтириш бу қилмишнинг ижтимоий хавфига барҳам беради, деб ўйлаш нотўғри. Мазкур турдаги қилмишлар миқдорини энг кам даражага қадар камайтириш учун маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий тақиқлаш нормалари билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тарбиявий, интизомий, ташкилий ва бошқа қатор чораларнинг бутун бир мажмуини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш лозимдир. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича ҳаракатларни изчил амалга ошириш содир бўлаётган нохуш иллатларнинг камайишига олиб келиши аниқ.

Ибрат

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС УРФ-ОДАТЛАР

– Аввалларимиз ота ўтирган уйнинг томига чиқилмаган.

– Ота-она ва ёши улуғлар ўтирган пайтда бола ёнбошлаб ётмаган.

– Қўшнининг боласи ўйнагани чиққанда, дастурхондан насиба берилган.

– Нон ёпилганда қўшнининг димоғига ҳиди киргани учун, икки дона нон чиқариб берилган.

– Қўшнининг қибласини тўсиб, баланд уй қурилмаган, шамолдан тўсилмаган.

– Уй қурилганда тарнов қўшнининг ери томонга қаратиб ўрнатилмаган.

– Деҳқонлар ҳосил олганда, қовунми-тарвуздан йўл бўйига мусофирлар учун насиба чиқариб қўйишган.

– Оталар ўсмир қизчаларини йигитлари бор уйларга нарса сўрашга чиқазишмаган.

– Бош кийим – кийимларнинг боши бўлган! Эркаклар дўпписини ечмаган, эрли аёл – рўмол, қизлар – дўппи, эри ўлган кампирлар чолининг оқ кўйлагини ёпиниб юришган. Халқ ўртасида «қизи юзини ерга қаратди» деган иборанинг келиб чиқишига ҳам дўппи мавзусининг алоқаси бор. Қизи ёмон иш қилган оталарнинг дўпписи халқ ичида бошидан олиб ерга ташланган.

– ТВда кўрганимиз – аёлу эркак аралаш аскиявозлик – бу операторларнинг ижод маҳсули, холос. Аёллар эркаклар билан кулишиш тугул, икки эркак ўртасидан кесиб ўтиши одоб саналмаган.

– Ҳовлидаги ҳар бир дарахтнинг пишган мевасидан қўшнига насиба илинишган.

– Қуръон қўйилган токчага, қиблага ва катталар ўтирган томонга қараб оёқ узатилмаган.

– Ҳар уйнинг меҳмонхонасида қиблани билдирувчи меҳроблари бўлган, токчалар Мусҳаф қўйилиши учун белдан тепада қилиб қурилган.

– Меҳмоннинг иззати уч кун! Бу расмий бирлик бўлиб, меҳмондан «қачон кетасиз?» деб сўралмаган.

– Қизлар «турмушга чиқиш, эрга бериш» мавзулари очиқланган давраларда ўтиришлари уят ҳисобланган.

– Йигитлар ота бўлганда, ҳаё сабабли фарзандини ота-онаси олдида эркалатмаган.

– Қизларнинг бирон илтимоси она томонидан отага етказилган.

– Ота қўл узатмагунча фарзандлар таомга, дастурхонга қўл узатишмаган.

“Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти таҳририят ходими Саодат Раҳимовага акаси

Исмоил ЖУМАНИЁЗОВ

вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Робахон МАХМУДОВА — Қодир ЖЎРАЕВ
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ — Зуҳра ИБРАГИМОВА
Наримон УМАРОВ — Тошпўлат МАТИБАЕВ
Муҳаммад АЛИ — Талъат МУРОДОВ
Гавҳар АЛИМОВА — Абдукамол РАҲМОНОВ
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА — Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000

Адади – 12 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.